



The role of worldview in the formation of a responsible attitude toward the environment among students

Muazzam TOSHTEMIROVA¹, Maftuna TURSİKTONOVA²

Fergana State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

memory,
will,
thinking,
ecstatic,
ecological education,
educational and moral
individual,
component,
motivational-valuable,
operational rational

ABSTRACT

In this article, it would be appropriate for future teachers to describe the unique abilities of their imaginations about the world in the formation of a positive attitude towards the environment in students during the following activities. Powerful aspects give brightness and vitality to the imagination. With the development of memory, will, thinking, ecstatic and moral feelings, the imagination is also developing.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp19-23>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулятли муносабатни шакллантиришда олам ҳақидаги тасаввурнинг ўрни

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

хотира,
ирода,
фикрлаш,
эстетик,
экологик тарбия,
компонент,
мотивацион-қадриятли,
амалий самарадорлик

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар томонидан кейинги фаолиятлар давомида ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулятли муносабатни шакллантиришда олам ҳақидаги тасаввурларининг ўзига хос хусусиятлари баён қилинади.

¹ PhD, Teacher, Department of Zoology and General Biology, Fergana State University

² Teacher, Department of Botany and Biotechnology, Fergana State University

Роль мировоззрения в формировании ответственного отношения к окружающей среде у студентов

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

память,
воля,
мышление,
экстатика,
экологическое
воспитание,
воспитательно-
нравственное,
личность,
компонент,
мотивационно-
ценностный,
операционально-
рациональный

В данной статье для будущих учителей описаны уникальные способности представлений об окружающем мире в формировании у учащихся положительного отношения к окружающему миру в ходе следующих видов деятельности. Мощные аспекты придают воображению яркость и жизненную силу. С развитием памяти, воли, мышления, экстатический и нравственных чувств развивается и воображение.

Кириш

Билиш жараёнида тасаввурлар ва тушунчаларнинг турли ролларини аниқлашда тасаввурни тушунчадан узиб бўлмайди. Уни тасаввур билан тушунча ўртасидаги боғланишни амалга ошириш воситаси деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот доирасида тасаввурларнинг образлари эслаб қолинадиган матннинг маъно ташувчиси бўлиши мумкин, деб таъкидланган. Образларнинг хусусий тавсифи уларнинг умумий аҳамият касб этишига ва шу сабабли матнни эслаб қолишда таянч функциясини бажаришига ҳалақит қилмайди.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Тасаввур аниқ хусусиятга эга эмас, балки хусусий жиҳатлари унга ёрқинлик ва ҳаётий тўлиқликни беради. Хотира, ирода, фикрлаш, эстетик ва ахлоқий ҳис-туйғуларнинг ривожланиши билан ҳаёлот ҳам ривожланади. Унинг асосида тасаввурларни умумлаштириш бошланади, уларнинг фотографик хусусиятлари бартараф этилади.

Н.Ашурова бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат дарсларида чизмалар ва андозалар билан ишлашда тасаввурлар образларини шакллантиришни тадқиқ қилган. Муаллиф ўқувчиларнинг динамик тасаввурлар билан ишлашдаги, чизмаларни тузиш учун яхлит предметнинг образи асосида предметнинг ярмини, чизмани ўқишда эса – чизмада тасвирланган предметнинг ярми асосида яхлит предметни тасаввур қилиш зарур бўлганда дуч келадиган қийинчиликларни аниқлаган [32].

Болаларнинг атроф олам ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш масалалари чет эл психологиясида ўз аксини топган. Ж.Брунер боланинг атроф оламини билиши турли шаклдаги тасаввурларни ривожлантириш асосида юз беради, деган хулосага келади [38].

Атроф олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш муаммоси ҳақида Р.Арнхейм тадқиқотларида ҳам тўхталиб ўтилган. Тадқиқотчи “тасаввур” ва “тушунча” атамаларини бир-бирига тенглаштиради. Р.Арнхеймнинг фикрича,

кўриш ҳисси визуал тушунчаларни – предметларнинг ташқи кўринишига мос келадиган шаклларни ҳосил қилиш йўли билан таъсир қилади.

С.Л.Рубинштейн образнинг мавҳумлаштирилиши ва қайта қурилиши аҳамиятига тасаввурларда олдинги қаторга чиқиш, аҳамиятсизини эса орқа қаторга кўчириш имконини беради. Муаллиф фикрлашни фаоллаштиришда тасаввурларнинг ижобий ролини таъкидлайди [84].

Х. Зокирова ўз тадқиқотлари доирасида “Атроф олам ҳақидаги тасаввурлар”нинг тушунчасини ўрганишда боланинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш, фазовий белгиларнинг фарқи, мавҳумлаштирилиши ва умумлаштирилиши, шунингдек уларнинг оғзаки шакли ва расмда график тарзда гавдалантирилиши катта роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришда поғоналар кўрсаткичи сифатида муаллиф фазовий белгилар ва муносабатларнинг фарқлари даражасини кўрсатади: уларнинг сўз орқали белгиси, фазовий ва миқдорий тасаввурларнинг боғланишида намоён бўлади деб ифодалайди [52].

Г.Хасанбоева ўқувчиларнинг геометрия ва география элементларини ўзлаштиришида (III ва IV синфлар) фазовий тасаввурларни шакллантиришни ҳамда бу жараёнда амалий ўлчашлар ва образ-сўз уйғунлашуви ҳосил бўлишининг ролини ўрганган [110], типографик тасаввурларни шакллантиришда амалий ишларнинг ролини аниқлаган.

Муҳокама

Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш бўйича тайёргарлигини такомиллаштиришда эътиборга олиш лозимки, табиатдан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш жараёнида болалик йиллари – мактабгача ва айниқса, бошланғич синф даври муҳим ўрин эгаллайди. Экологик тарбия таълим тизимида бошланғич мактабнинг ролини ва ўрнини аниқ тушуниш атроф муҳит соҳасида бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг бутун таълим тизимини такомиллаштириш атроф-муҳитга бўлган муносабатини эркин намоён қилиш орқали ўқувчилар фикрини аниқлайди.

Ҳозирги кунда энг янги психологик-педагогик тадқиқотлар ёш авлод тарбиясини даврий аниқлаштирган ҳолда ташкил этиш асосида умумий ўрта таълим мактабларининг роли ва аҳамияти, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқувчилар ижтимоий, таълимий ва тарбиявий имкониятларини аниқлаб улар билан машғулотларни ташкил этиш асосида олиб борилмоқда.

Болалик боланинг жадал ривожланиш, атроф олам ҳақидаги билимларни тўплаш, табиатга ва одамларга кўп қиррали муносабатларни шакллантириш даври ҳисобланади. Психологлар тадқиқотлари бошланғич синф ўқувчиларида юқори даражали психологик ривожланишни, мавҳумий фикрлашни, ижтимоий ва табиий муҳитда хулқ маданиятини шакллантириш имкониятини исботлайди. Замонавий бошланғич синф ўқитувчиси кўпинча ўзини фаолиятли тарбия субъекти сифатида намоён қилади.

. Маълумки, ҳар бир ёш “ижтимоий ривожланиш вазиятининг” ўзига хос хусусиятлари, яъни болада мазкур даврда мавжуд бўлган индивидуалликлар билан унга таъсир қилувчи омиллар, муҳитнинг минтақавий хусусиятлари ўртасидаги маълум муносабатлар билан тавсифланади, бу эса ушбу ёшдаги

болалар учун умумий бўлган хулқнинг ва руҳиятнинг ўзига хос жиҳатларини юзага келтиради. Бироқ бу табиий зеҳн ва индивидуал турмуш тарзи билан белгиланадиган руҳий қиёфанинг ўзига хослигини, ҳар бир боланинг такрорланмаслигини инкор этмайди.

Натижалар

Боланинг мактабга биринчи қадам қўйиши унинг ҳаётидаги муҳим босқич ҳисобланади. Унинг учун ўқиш фаолиятнинг асосий турига айланади, бунга “жиддий”, ижтимоий аҳамиятга эга фаолият сифатида муносабатда бўлади. Болада мактаб ҳаётига киришнинг дастлабки босқичларида жиддий психологик қайта қурилиш юз беради. Бунда бошланғич синф ўқувчиларида билиш эҳтиёжларининг жадал ривожланиши билан боғлиқ мотивлар пайдо бўлади. Узоқ истиқболлар билан боғлиқ мотивлар уларда бевосита вазиятларга боғлиқ мотивларга нисбатан одатда кам учрайди. Бевосита мотивлар каттароқ психологик қадриятга эга бўлади, чунки улар ўқиш фаолигини тўғридан тўғри билиш жараёнига йўналтиради. Ўқув ҳаракатларининг мотивлари бошланғич синф ўқитувчиларини назарий билимларни ишлаб чиқариш усулларини ўзлаштиришга, ўзида мураккаброқ, шу жумладан экологик тушунчаларни шакллантиришга ундайди.

Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш бўйича тайёргарлигини такомиллаштиришда бошланғич синф ўқувчиларига эркин бўлмаган диққатнинг мавжуд бўлишини эътиборга олиш лозим. Бошқа билиш жараёнлари, идрок этиш ва фикрлаш билан бир вақтда болаларнинг атроф оламга муносабатларида муҳим роль ўйнайдиган тасаввурнинг ривожланиши ҳам юз беради. Жадаллик, руҳиятнинг реактивлиги, кайфиятнинг тез ўзгариши бошланғич синф ўқувчиларига хос. Шу билан бир вақтда бу ёшда тормозланиш, эркин диққат жараёнлари ривожланади, булар бола иродасининг заиф ривожланганлиги, сабрсизлиги билан бирга юз беради. Болаларни ўрганиш давомида олинган маълумотларнинг таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, биз тадқиқ қилаётган жиҳатнинг ўзига хослиги кўп ҳолларда боланинг ёшига боғлиқ бўлар экан.

Хулоса

Бошланғич синфларда болаларни ўқитиш, шубҳасиз, уларнинг тарбияланганлик тавсифномасига, хусусан, ахлоқий ва экологик тарбияланганлик тавсифномасига таъсир кўрсатади. У болаларда фикрлашнинг ривожланишига, турли билим, малака ва кўникмаларнинг шакллантирилишига, саводхонлик асосларини эгаллашига ёрдам беради ва буларнинг ҳаммаси бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш учун керак ва ўта муҳим ҳисобланади, бу эса ўз навбатида шахснинг жамиятда ижтимоийлашишига ёрдам беради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари мазкур ёшда ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши лозимлиги аниқланди:

- бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш жараёнида экологик тасаввурлар даражаси билан уларнинг хулқи даражаси ўртасида узилиш кузатилади;

- бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш ва экологик фаолликни

ривожлантиришда бирор ишни ўқитувчилар, ота-оналар, ўртоқларининг бевосита ёки билвосита илтимосига кўра бажаришдан ички мойилликка асосан бажариш томонга боради. Бироқ янада юқорироқ даражада ҳам уларнинг экологик фаолиятини айтиб туриш, шама қилиш, эслатиш кўринишидаги тизимли педагогик мустаҳкамлаш зарур;

- ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш бошланғич синф ўқитувчисининг олдида турган тарбиявий жараённинг бошқа муаммолари билан узвий боғлиқ;

- ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантиришда мактаб ўқувчиларининг ахлоқий хулқини ташкил қилиш ишларини уларнинг ахлоқий билимларининг ривожланишини таъминлаш, ахлоқий тасаввурлар ва туйғуларни шакллантириш, ахлоқ меёрларини ўзлаштириш билан бирликда мақсадга йўналтириб ва тизимли олиб бориш зарур.

Бунда табиатдан оқилона фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришни биз болани уни ўраб турган табиий муҳитга мослаштириш механизми, шунингдек боланинг атроф оламнинг яхлитлигини ва ўзининг ундаги ўрнини кўриши сифатида қараётганимизни таъкидлаш муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Узоқов “Бошлан-ич синф ўқувчиларида масъулият хиссини шакллантиришнинг педагогик асослари”: Пед фан. ном. дисс. автореф.-Т: 2008. -22 б

2. Ўқувчиларда ўқув фаолиятига масъулият хиссини тарбиялаш (Оила ва синфдан ташқари вақтларда) //Ўқувчилар: М.Ш.Алламуратова, Г.Жўрабоева. - Т.: УзПФТИ, 1990. - 37 б

3. Abdullaeva, B., & Toshtemirova, M. (2020). Improving the methodological preparation of future primary school teachers to form their attitude to the environment. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1159-1162.

4. Toshtemirova, M. A. (2021). A model for the formation of students' responsible attitudes towards the environment for future primary school teachers. *Current Research Journal of Pedagogics*, 2(10), 158-162

5. М.Таштемирова, (2022). Бошланғич синф ўқувчиларининг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш бўйича методларини ва шаклларини аниқлаш малакасининг мавжуд бўлиши. *Замонавий дунёда педагогика ва психология: Назарий ва амалий изланишлар*, 1(24), 146-149.

6. Toshtemirova, M. A. (2021). A model for the formation of students' responsible attitudes towards the environment for future primary school teachers. *Current Research Journal of Pedagogics*, 2(10), 158-162.

7. Toshtemirova, M. A. (2021). A model for the formation of students' responsible attitudes towards the environment for future primary school teachers. *Current Research Journal of Pedagogics*, 2(10), 158-162.